
Коронавирусга тест топшириш қай тартибда амалга оширилади?

Худудларда тестлар Қорақалпоғистон ва вилоятлар Санитария-эпидемиологик осойишталик марказларининг лабораторияларида ўтказилади.

Бу ҳақда АОКА ҳузуридаги штабда ўтказилган брифингда Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси Наргиза Нуруллаева [маълум қилди](#).

Аризачи оригинал кўринишдаги маълумотни бевосита олиши ёки унинг электрон почта ва Telegram орқали қабул қилиб олиши мумкин.

Коронавирусга экспресс- тест топшириш учун муайян тайёргарлик усуллари зарур эмас.

Таҳлилдан 2-3 соат олдин овқатланмаслик тавсия этилади.

Асосан ПЦР тестидан аввал тайёргарлик талаб этилади.

Тестдан аввал қуйидагилар ман этилади:

- алкоголь қабул қилиш;
- сув ичиш;
- тиббий дори воситаларни истеъмол қилиш;
- оғиз ва томоқни чайиш;
- тишларни ювиш.

Ушбу оддий қоидаларга амал қилиш максимал юқори аниқликдаги натижаларни олиш имконини беради, - дейди штаби аъзоси Наргиза Нуруллаева.

2020-09-10 12:37:41